

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМIIЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.L10.03
РАҚАМЛИ ИЛМIIЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДИНАЗАРОВА ФЕРУЗА УМИДУЛЛАЕВНА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КООПЕРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

УДК 334.6 (575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам

Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences

Абдуназарова Феруза Умидуллаевна Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш	3
Абдуназарова Феруза Умидуллаевна Развитие производственной кооперации сельскохозяйственных и промышленных предприятий.....	25
Abdinazarova Feruza Umidullaevna Development of production cooperation of agricultural and industrial enterprises.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.L10.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДИНАЗАРОВА ФЕРУЗА УМИДУЛЛАЕВНА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КООПЕРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмурияти хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/1q1199** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қирин муҳафазаси-иктисодий институтида бажарилган.

Докторлик диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (resume)) Илмий кенгаш веб-сайтларида (www.iitame.uz) ва «ZiyoNet» Аxbорот тaълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлантirilган.

Илмий раҳбар:

Умурзақов Устам Пардаевич,
иктисодий фанлари доктори, профессор

Расмий ошловчилар:

Қодиров Абдирашид Мамаджонич,
иктисодий фанлари доктори, профессор

Аскарон Нозим Нозимович,
иктисодий фанлари номзоди, к.т.и.ғ.

Ўтавчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислари институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DS: 03/30.01.2020.1.10.03 рақами Илмий кенгашнинг 2021 йил «3» 10 сент «14» 09 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Маъноси: 100000, Тошкент шаҳри, Қорн-Нийзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@iitame.uz).

Диссертация ёзилган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислари институтининг Аxbорот-ресурс марказида тавсия мазмун 123 рақами билан рўйхатга олинган). (Маъноси: 100000, Тошкент шаҳри, Қорн-Нийзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@iitame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «4» 09 кунга тарқатилди.

(2021 йил «4» 09 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фанлари доктори, и.ғ.д., профессор

Б.Ф. Султанов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ғ.д., к.т.и.ғ.

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ғ.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги соҳаси кооперативларининг тарқалиш кўлами ва сони бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Хусусан, "... қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кооператив секторининг салмоғи АҚШда 23-28 фоизни, Ғарбий Европада 35-50 фоизни, Японияда 40-50 фоизни ташкил этади"¹. Шунингдек, аграр соҳани ривожлантиришда қишлоқ хўжаликлардаги ички меҳнат тақсимоти тамойилларига асосланган кооперацияга, балки маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг тармоқлараро кооперацияси ва интеграциясига ҳам боғлиқлиги кузатишмоқда. Зеро, кооперация ва интеграция тамойиллари асосига қурилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўзаро ҳамкорлиги юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини яратмоқда.

Глобал иқлим ўзгаришларига мослашган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, пандемия шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг миқдор ва сифат жиҳатдан узлуксиз таъминлаш иқтисодийнинг бирламчи масаласи сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, "... қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро савдосига киритилаётган чекловлар, ички ва ташқи бозорларда яқиний истеъмолчиларга етказиб бериш завоқирининг узунлигига олиб келувчи логистика билан боғлиқ қийинчиликлар жаҳон қишлоқ хўжалиги учун асосий хатарлардир"². Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ўртасидаги интеграцияни янада ривожлантириш асосида ишлаб чиқаришни рақобатбардошлигини ошириш глобал кўламда долзарб масала сифатида юзага чиқди.

Ўзбекистонда аграр соҳада кооперация муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий-иқтисодий муҳитни таъминловчи ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилгани ҳолда тармоқни барқарор ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. "... Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда кадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш"³ соҳанинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу борада мойли экинлар етиштириш, қайта ишлаш, сотиш ҳамда инфратузилма корхоналари иштирокидаги ҳудудий ёғ-мой кластерини ташкил этиш, аҳолини ёғ-мой маҳсулотларига бўлган истеъмол талаби ҳамда ушбу маҳсулотлар импорт

¹ Ткач В.А., Алешин О.А. Потребительская кооперация //Достижение науки и техники АПК, №2, 2004.

² Пандемия шароитида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича етакчи иқтисодий мутахассиси Сергей Зора билан суҳбат: <https://www.dzetsa.uz/uz/2020/04/21/agriculture/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида янги ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.

ҳажмининг кискарттиришга қаратилган прогнозини ишлаб чиқиш йўналишида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон "Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор мезонизмларини жорий этиш тўғрисида"ги, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш" устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида кичик бизнес, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперация муносабатларини ва агрокластерларни ривожлантириш бўйича хорижий олимлардан А.В.Чаянов, М.И.Туган-Барановский, Г.И.Шмелев, В.В.Миросердов, В.А.Казарезов, А.Расказов⁴ ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишлари муҳим саналади.

Ўзбекистон аграр иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро кооперация муносабатлари самарадорлигини ошириш муаммоларига мамлакатимиз олимларидан Ў.П.Умурзаков, Қ.А.Чариев, Т.Х.Фармонов, Б.Б.Беркитов, Р.Х.Тошматов⁵ ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Аmmo, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти бекиёс катта бўлишига қарамай, улар фаолиятида бевосита ва бевосита ишлаб чиқариш кооперация алоқалари тўғрисидаги билимлар доираси

⁴ Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство: избранные труды // Ред. Колл.сер.: Л.И. Абалкин и др. – М.: Экономика, 1989. – С. 62.; М.И.Туган-Барановский Социальные основы кооперации. – М.: "Экономика", 1989. – С. 291.; Шмелев Г.И. Производство сельскохозяйственных продуктов населением России. – М., 2002. – С. 108-111.; Миросердов В.В. Судьба российского крестьянства. Книга II. – Казань. – Редакционно-издательский центр, 2011. – 372 с.; С.Казарезов В.В., Расказов А.Н. Лучшие подсобные хозяйства в прошлом и настоящем. – М.: ФГНУ «Росинформпротекс», 2002. – 172 с.; Расказов А. Поддержка личных подсобных хозяйств населения // Международный сельскохозяйственный журнал. – М., 2003. №4. – С. 3-8.

⁵ Умурзаков О.П., Чариев К.А. Организационно-экономические и правовые основы реструктуризации сельскохозяйственных предприятий на переходном этапе. – Т.: Механт, 1998. – 56 С.; Фармонов Т.Х., Матчинова А.А. Развитие кооперации в системе управления агропромышленным комплексом // Экономика и предпринимательство. – 2018. №5. Москва. – С. 1296-1298.; Беркитов Б.Б., Абдукулов М.А. Ключевые тадқиқотлик корхоналарини йirik корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперацияси. Жилхал политика институтини. 2004. – 116 б.; Тошматов Р.Х. Фермер хўжалиқлари ишлаб чиқариш кооперацияси ва инфратузилмаларни ривожлантириш. аyt... и ф. н., ТДМУ, 2004. – 21 б.

жуда тор, айниқса қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш корхоналарини ишлаб чиқариш кооперацияси фаолиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Иқтисодийни рақамлаштириш талабларини инobatта олганда фермер ва деҳқон хўжалиқлари билан қайта ишлаш корхоналари фаолиятини кооперация асосида ривожлантиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш, агросаноат кластери механизмларини жорий этиш ислохотларнинг ҳозирги босқичида муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу ҳолатлар мазкур диссертация ишнинг мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш ва уни ривожлантиришнинг илмий-назарий, ижтимоий-иқтисодий муҳиятини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда кооперацияни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналари кооперациясини ташкил этиш ва юритиш бўйича аҳамиятга молик тажрибаларини умумлаштириш;

Қашқадарё вилоятида мойли эканлар етиштириш ва ўсимлик ётвон ишлаб чиқариш динамикаси ҳамда самарадорлигига баҳо бериш асосида мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

мойли эканлар етиштирувчи билан ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация муносабатларини ташкил этишнинг кластер тизимини асослаш;

қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудудда мойли ўсимликлар дони ва ўсимлик мойи ишлаб чиқаришнинг истиқбол учун оптимал таркибини ва унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти мойли эканлар хомашёсини етиштирувчи хўжалиқлар ва ёғ-мой ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатиш механизмлари билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли ва кенсэй таҳлил, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, монографик тадқиқотлар ва иқтисодий сўровлар ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти куйидагилардан иборат:

мойли экинларни етиштирувчи ва ёғ-мой саноати корхоналари ўртасидаги хомашё етиштириш ва харид қилиш юзасидан шартнома муносабатларида мажбуриятлар, хомашёни қайта ишлаш шартлари ва нормалари (*colling agreement*) ўзгаришини назарда тутувчи иқтисодий механизм таклиф этилган;

мойли экинларни парваришловчи субъектлар ва қайта ишлаш корхоналари фаолиятини манфаатли интеграциялаш доирасида трансакция харажатларини камайтириш ва фойда миқдори ошшига қаратилган агросаноат кластерларининг рақобат устуңликларини асосланган;

Қашқадарё вилоятида мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш жараёнларида кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи ҳудудий ёғ-мой кластерининг таркибий-ташқилвий тузилмаси таклиф этилган;

Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш асосида аҳолини ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган 2025 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

ривожланган хорижий давлатларда агросаноат кооперацияси тажрибалари ўрганилиб ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари баҳоланган;

Ўзбекистон ислохотлар даврида аграр соҳада ва қайта ишлаш саноатида юзага келган кооперация шаклларини такомиллаштириш йўллари таклиф этилган;

Қашқадарё вилояти аҳолисининг ўсимлик мойига талаби, уни ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларининг ўзгариш тенденциялари аниқланган ва прогноз қилинган;

қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперацияси ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг ташқилвий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ўртасидаги кооперация муноса-батларини такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий-тадқиқот ишларини кенсэй ва танқидий нуқтан назардан таҳлил қилиш, фойдаланилган статистик маълумотларнинг расмий манбалардан, монографик кузатув натижасилари асосида олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётта жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясини ташқил этиш усуллари ва уни ривожлантириш қонуниятлари тўғрисидаги назарий билимлар доирасини кенгайтиради. Шунингдек, диссертация иши натижалари аграр соҳа ва қайта ишлаш корхоналарини халқаро кооперация тамойиллари асосида бевосита ўзаро

фойдали такрор ишлаб чиқариш алоқаларини тиклаш ҳамда уни ривожлантириш учун кластер тизими механизмларини жорий этишга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялардан модернизациялаш дастурларини тузиш ва амалга ошириш, корхоналарда ишлаб чиқаришни инновацион бошқариш самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, айрим илмий-назарий хулосалардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юрларида "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти", "Иқтисодиёт ва менежмент", "Корхона иқтисодиёти" каби фанлардан ўқув-услубий мажмуалар ва дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

мойли экинларни етиштирувчи ва ёғ-мой саноати корхоналари ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифи Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Қашқадарё вилояти "Қарши ёғ-экстракция" АЖ корхоналарига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 02/021-278-сон, "Ўзпахтаёғ" АЖнинг 2018 йил 16 октябрдаги ПП/3-2398-сон маълумотномалари). Натижада, кооперация доирасидаги тадбиркорларнинг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувлардан ҳимоялаш имконияти яратилган.

мойли экинларни парваришловчи ва қайта ишловчи субъектлар фаолиятини интеграциялаш доирасида трансакция харажатларини камайтириш ва фойда миқдори ошшига қаратилган тавсиялари Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Қашқадарё вилояти "Қарши ёғ-экстракция" АЖ корхоналарига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги №02/021-278-сон, "Ўзпахтаёғ" АЖнинг 2018 йил 16 октябрдаги ПП/3-2398-сон маълумотномалари). Натижада, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини ўртача 10-15 фоизгача ошириш имконияти яратилган;

ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқ бошқарувида замонавий усуллари қўллаш мақсадида мойли экинлар етиштирувчи, уларни қайта ишловчи ҳамда инфратузилма корхоналари иштирокидаги ёғ-мой кластерини ташқил этиш бўйича таклифи Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Қашқадарё вилояти "Қарши ёғ-экстракция" АЖ корхоналарига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги 02/021-278-сон, "Ўзпахтаёғ" АЖнинг 2018 йил 16 октябрдаги ПП/3-2398-сон маълумотномалари). Натижада, ҳудудда қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари тадбиркорлари ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилма корхоналари фаолияти бўйича олинган умумий даромад миқдори 5-6 фоизга ошган;

аҳолини ёғ-мой маҳсулотларига бўлган истеъмол талаби ҳамда ушбу маҳсулотлар импорт ҳажмини қисқартиришга қаратилган 2025и йилларгача бўлган ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф Қашқадарё вилояти

кишлоқ хўжалиги бошқармаси, Қашқадарё вилояти "Қарши ёғ-экстракция" АЖ корхоналарига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 октябрдаги №02/021-278-сон, "Ўзпахтаёғ" АЖнинг 2018 йил 16 октябрдаги ПП/3-2398-сон маълумотномалари). Натисада, 2025 йилда 2019 йилга нисбатан вилоятда қўшимча 8015,9 тонна доғланмаган пахта ёғи, 365,3 тонна махсар, 49,8 тонна соя, 77,7 тонна кунгабоқар ёғи олинган баҳорат қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишнинг асосий натижалари 1 та чет элда, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий ишлар, шу жумладан 12 та республика ва 3 та хорижий журналларда мақолалар, 17 та мизруза тезислари chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати корхоналари ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари" деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш кооперацияси тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, уни ташкил этишнинг асосий хусусиятлари тадқиқ этилган, институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хорижий тажрибаларни республика иқтисодиётига жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлиги, нафақат хўжаликдаги ички меҳнат тақсимоти тамойилларига асосланган кооперацияга, балки маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича тармоқлараро кооперация ва интеграцияга ҳам боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги тизимдаги мавжуд моддий-техник таъминот, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар билан характерланиб, ушбу муносабатларни жорий этишдан асосий мақсад қуйидагилардан иборатдир, Яъни: "1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг саноат усулларини такомиллаштириш; 2) Ижтимоий меҳнат тақсимотининг мақбул даражасига

эришиш; 3) Ишлаб чиқаришни умумлаштириш ва ихтисослаштириш асосида тармоқлараро ва ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш"⁶.

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш, энг аввало ташкилий-ҳудудий, иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлиб, уни шаклини танлаш ушбу омиллар билан бевосита боғлиқ саналади. Ташкилий-ҳудудий омиллар, биринчи навбатда, майда ерли кишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг горизонтал кооперация муносабатларини ташкил этиш заруратини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва ўзаро боғлиқ тармоқларда фаолит кўрсатувчи ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперация вертикал кооперацияни ўзида намоён этади. Албатта, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарининг ўзаро ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этиш ҳамда уни самарали фаолиятини кафолатлашда, бизнингча, энг аввало, хўжалик юритувчи субъектларнинг икки ёқлама ўзаро манфаатдорлигини тизимлашдаги қуйидаги жиҳатларни назарда тутиш заруриятини келтириб чиқаради (1-расм).




1-расм. Ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этишнинг асосий мотивлари⁷

Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари кооперацияси асосида ёғ-мой ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади. Яъни, ушбу кооперация муносабатлари ёғли экинлар донини ишлаб чиқариш, донни тайёрлаш ва

⁶ Турьяевский А.В. Приоритетные направления развития интеграционных отношений в АПК. Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – М., 2003. №12. – с. 15.
⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

бирламчи қайта ишлаш ҳамда ёғ-мой ва бошқа қўшимча товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида кузатилади (2-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарида ёғ-мой ишлаб чиқариш ва сотиш босқичлари³

Қайд этиш лозимки, ҳар қандай давлатда ишлаб чиқариш соҳасидаги қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари кооперациясининг турли шакллари ва усулларининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

– кооперацияга бирлашувнинг институционал-қонунийлик асосларининг мавжудлиги;

– муайян миқтосда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг ривожланиш даражаси ва тармоқлараро ишлаб чиқариш жараёнларининг интеграциялашув даражаси;

– товарлар, меҳнат, инвестиция ва хизматлар бозорининг шаклланиши ва фаоллиги юритиши даражаси;

– хусусий тadbirkorлик ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва унинг ҳолати;

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек турли хилдаги хизматларни кўрсатиш соҳасида рақобатнинг ривожланганлик даражаси ва бошқалар.

Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат корхоналари кооперациясини ривожлантириш қуйидаги афзалликларни беради:

– хусусий тadbirkorлик раванқ топишнинг ижтимоий-иқтисодий негизини мустаҳкамлайди ҳамда ўзаро шериклик муҳити такомиллашувига қулай шарт-шароитлар яратади;

– кооперацияга киришган корхоналар бозор муносабатларига тўлиқ жалб этилади ва бунинг оқибатида улар маркетинг, менежмент, инвестицияларни жалб қилиш ва бошқа вазифаларни мустақил ҳал этиш имконига эга бўлади;

– қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари кооперациясининг асосий негизи бўлиб унинг бошланғич бўғини сифатида корхоналар, хўжаликлар (бирлашмалар) ҳисобланади. Ушбу бошланғич бўғинлар миқтосда даражасида амада ўзларининг манфаатларига хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг пайдо бўлишини таъминлайди;

– биргаликда замонавий маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш ва амада қўллаш ҳамда ўз навбатида корхоналар фаоллигининг самардорлиги ва рақобатбардорлигини ошириш имконини беради.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари кооперациясининг институционал-ҳуқуқий тамойиллари ва асосий йўналишларини ўрганиш кооперацияни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш юзасидан қатор ҳулосаларни чиқариш имконини беради. Жумладан:

– қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи саноат кооперациясига киришган корхоналарда товар ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич хомашё ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва бошқа хусусиятга эга бўлиши, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан уйғунлаш-тирилтиш лозим;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва маҳсулотни қайта ишлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари билан шартланган қишлоқ хўжалигида кооперацияни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос шароитлари мустақил ҳуқуқий сегмент сифатида қишлоқ хўжалиги ва саноат кооперацияси тўғрисидаги қонун ва унн амалга оширишни таъминловчи қонуности меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг барча тармоқлари кооперацион муносабатларга таъинланган ҳолда барқарор ривожланишда давом этаётганлиги сабабли, ушбу давлатларда ўзаро ҳамкорликдаги фаоллигини ташкил этиш ишлаб чиқаришнинг асосий механизми сифатида сақланиб келмоқда. Дарҳақиқат глобаллашув янада кенгайиб бораётган, дунё мамлакатларининг иқтисодиёти ўзаро алоқадорлиги охиб бораётган, ресурсларга ҳамда сотиш бозорига бўлган глобал рақобат кескинлашиб бораётган шароитда кластер модели иқтисодиёт-

³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

нинг, жумладан аграр соҳа фаолият кўрсатишнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хорижий тажрибалар кўрсатишча, Шимолий Америка ва Ғарбий Европанинг ривожланган давлатларида кластерларни шакллантириш сиёсати "пастан-юқорига" тизими бўйича, яъни ҳудудий даражадан давлат (федерал) даражасига қараб амалга оширилади. Ушбу давлатлари иктисодиётида эса аксинча, кластерларни ривожлантириш марказий ҳукумат органлари ташаббуси билан амалга оширилиши кузатилади. Шунингдек, тўлақонли кластер яққол намоён бўлган ихтисослашувга эга бўлиши лозим. Шу билан биринчи навбатда, бир қатор қўшни ҳудудларни таъминлай оладиган муайян кичик хўжалиги маҳсулотлар турини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажми юқори бўлган ҳудудларни аниқлаб олиш талаб этилади.

Диссертациянинг "Қашқадарё вилоятида мойли экинларни етиштириш ва ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш самарадорлиги" деб номланган иккинчи бобда Қашқадарё вилоятида мойли экинлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш самарадорлиги даражаси баҳоланган ҳамда маҳсулот етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар аниқланган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, Қашқадарё вилоятида охириги беш йилда мойли экинлар майдонининг кўпайиши эвазига аҳолини ўсимлик ёғи билан таъминлаш даражаси нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Яъни, пахта экин майдонлари 2019 йилда 2015 йилга нисбатан қарийб 15 фоизга камайтирилган бўлса, ушбу йилларда мос равишда кунгабоқар етиштириш учун экин майдонлари – 12 фоизга, маҳсар – 2 баробарга, кунжут – 16,6 фоизга, соя экин майдонлари эса ўртача 18 фоизга оширилган.

1-жадвал.

Қашқадарё вилоятида пахта ва асосий мойли экинлар майдонлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси (минг гектар)⁹

Экин турлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 й. 2015 й. га нисбатан, %да
Пахта	160400	157200	153500	139800	135900	84,7
Кунгабоқар	2232	2350	2400	2500	2500	112
Маҳсар	244	280	494	500	500	2 баробар
Кунжут	150	150	150	155	175	116,6
Соя	500	850	1353	1915	590	118

Қашқадарё республикадаги асосий ўсимлик ёғини етиштирувчи вилоят сифатида сақланиб қолгани ҳолда ҳосилдорлик жиҳатидан республика ўртача кўрсаткичига нисбатан юқори саналади. Яъни, Республика ва Қашқадарё вилоятида жами мойли экинлар бўйича олинган ўртача ҳосилдорлик бўйича тафовут 1 гектар ҳисобига ўртача 3,8 центнерни ташкил этган.

⁹ Қашқадарё вилояти кичик хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатувчи бир хил ер майдонига эга бўлган фермер хўжаликларида пахта хомашёсини етиштириш самарадорлиги таҳлил қилинганида пахта хомашёси таннархига таъсир кўрсатувчи омиллар, яъни пахта хомашёни етиштириш, сотиш ва унга харажат қилиш миқдорлари бевосита ернинг бонитети бали ҳамда жойлашган ҳудудига бевосита боғлиқ эканлиги аниқланган.

Монографик тадқиқотлар амалга оширилган Яқкабоғ туманининг "Ҳолиёр бобо ўгли Холмўмин" фермер хўжалигида етиштирилган маҳсар экинидан олинган самарадорлик кўрсаткичи таҳлили кўрсатишича, ушбу хўжаликда 2019 йилда 2017 йилга нисбатан ҳосилдорлик 33,3 фоизга, яъни ҳосил эса 195,6 фоизга ошгани ҳолда бир гектардан олинган фойда 2017 йилда 78856 сўмни, 2019 йилда эса 82660 сўмни ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал.

Қашқадарё вилояти Яқкабоғ тумани "Ҳолиёр бобо ўгли Холмўмин" фермер хўжалигида етиштирилган маҳсар экиннинг самарадорлик кўрсаткичлари¹⁰

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2017	2018	2019	2019 йилда 2017 йилга нисбатан, %да
1	Маҳсар экин майдон	гектар	15	18	22	146,7
2	Ҳосилдорлик	ц/га	7,8	9,2	10,4	133,3
3	Яъни ҳосил	центнер	117	205	228,8	195,6
4	Маҳсулотни сотишдан келган соф пул тушуми	минг сўм	3122,7	3265,4	3785,6	121,2
5	Сарфланган харажатлар	минг сўм	1939,86	1926,1	1967,08	101,4
6	Олинган фойда (зарар)	минг сўм	1182,84	156,5	1818,52	153,7
7	Бир гектар ердан олинган фойда	сўм	78856	79926	82660	104,8

Вилоятда кунгабоқар экинидан 1 гектар ердан олинган фойда кўрсаткичи эса 2017 йилда 66577 сўмни, 2019 йилда эса 78565 сўмни ташкил этгани ҳолда ушбу йилларга мос равишда 18 фоизга ошган.

Умуман олганда вилоятдаги маҳсар ва кунгабоқар етиштирадиган хар иккала фермер хўжалиги ҳам фойда билан чиққанлигини, шунингдек, қайта ишлайдиган "Косон ёғ-экстракция" заводининг йил давомида бир хил қувват билан ишлашига замин яратилаётганлигидан далолат беради.

Диссертацияда юқоридики келтирилган хомашёни қайта ишлаш ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатувчи иккита йирик

¹⁰ Қашқадарё вилояти кичик хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

корхоналар "Косон ёг-экстракция" ва "Қарши ёг-экстракция" Акциядорлик Жамиятлар фаолияти баҳоланган.

Таҳлил натижалари ушбу исхота корхоналар бир неча йиллар давомида тўлиқ қувват билан ишламаётганини кўрсатди. Шу билан, муаммони аниқлаш учун тадқиқотда хомашё етказиб берувчи (фермер хўжаликлари) ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги шартнома муносабатлари таҳлил қилинган. Яъни, тадқиқ этилган фермер хўжаликлари томонидан махсар донни шартномада кўрсатилган миқдордан 12,6 фоиз, кунгабоқар донни – 37,5 фоиз корхонага етказиб берган, корхона эса махсар учун 1,5 фоиз, кунгабоқар учун 38,7 фоиз бўлак тўлаган (3-жадвал).

3-жадвал.

Қашқадарё вилояти "Косон ёг-экстракция" АЖ ва фермерлар ўртасида махсар экинни уруғини етказиб бериш бўйича тузилган шартноманинг бажарилиши (2019 йил)¹¹

Т/р	Туманлар	Махсар						Кунгабоқар							
		Фермер хўжаликлари сони	Уруғлик, тонна			Бўлак миқдори, млн. сўм			Фермер хўжаликлари сони режа	Уруғлик, тонна			Бўлак миқдори, млн. сўм		
			режа	ҳақ.	фарқ, %	режа	ҳақ.	фарқ, %		режа	ҳақ.	фарқ, %	режа	ҳақ.	фарқ, %
1	Шаҳристон	4	0,1	0,06	60,0	12,6	1,2	9,5	4	0,5	0,12	24,0	100	4,3	4,3
2	Қашқадарё	5	0,05	0	0,0	33,4	0	0,0	5	0	0	0	0	0	0
3	Чарқоғ	2	0,05	0	0,0	6,3	0	0,0	2	0	0,09	0	1,2	1,9	15,8
4	Косон	14	1,15	0,11	9,6	145	1,1	0,8	14	0,9	0,37	41,1	151	128,0	84,8
5	Мирондор	4	0,15	0,06	40,0	44	1,2	2,7	4	1,25	0,3	24,0	97	12,4	12,8
6	Муборак	3	0,575	0,05	8,7	48,3	1,1	2,3	3	0	0	0	4,2	0	0,0
7	Қашқадарё	2	0,075	0	0,0	9,45	0	0,0	2	0	0	0	0	0	0
8	Янқабол	1	0,025	0	0,0	3,15	0	0,0	1	0,18	0,18	100,0	25	3,9	15,6
	Жами	35	2,175	0,275	12,6	302,19	4,6	1,5	35	2,83	1,06	37,5	389,2	150,5	38,7

Бундай ҳолат исхота томон ҳам шикоят тарзида судга муурожаат қилинишига мажбур этмоқда ва бу жараён учун суд ишлари бўйича давлат божини ҳамда почта харажатлари сифатида катта миқдордаги трансакция (шартнома) харажатларини вужудга келтирмоқда. Шикоятлар суд ишида кўриб чиқилгандан сўнг берилган суммани айбдор томондан ундириб олиш учун ҳам мажбур туманларга борадиган ҳодинлар сафарбар этилади. Бу ҳолат ҳам маълум трансакция харажатларини келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси хўжаликлар ва корхоналар молвий ҳолатига, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, пировардида қутилиётган даромад ва фойда олишга салбий таъсир кўрсатади.

Қайд этилган ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш мақсадида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровномада вилоятдаги пахта хомашёси ва мойли экинларни етиштирувчи 115 та фермер хўжалиги, 25 та дехқон хўжалиги ва 12 та қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда мойли экинларни қайта ишловчи "Косон

ёг-экстракция" ва "Қарши ёг-экстракция" корхоналари (корхоналар номидан иш бошқарувчилари) танилаб олинди. Ўтказилган сўровномада 154 нафар респондентлар иштирок этишди.

Сўровномада иштирок этганларнинг 85,7 фоизи "пахта техник чигити ва бошқа мойли хомашёни етказиб беришда шартномавий муносабатларга риоя қилинадими", 81,2 фоизи "мойли экин турларидан олинган ҳосилдорликни оширишда зарурий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлангани ва маҳсулотни қайта ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан фойдаланиладими", 79,2 фоизи "мойли экинларни етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида ўзаро хўжалик муносабатлари яхши йўлга қўйилгани" деган саволларга "йўқ" деб жавоб беришган.

Шунингдек, "мойли хомашёни етиштирувчи ва уни қайта ишловчи корхоналар ўртасида тузилган контрактация шартномаларига асосан бўлак мабағлари ўз вақтида тўлаб бериладими" ва бошқа шу каби саволлар қайд этилган эди. Респондентларнинг жавобларини умумлаштиришда, хомашё етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнларида қуйидаги муаммолар мавжудлиги эътироф этилди:

- мойли хомашёни етиштирувчи билан уни қайта ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро кооперация муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмагани;

- мойли хомашёни қайта ишлаб чиқариш технологиялари ва услубларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги;

- мойли экин турларини экин, ҳосилга киргунга қадар ва ҳосилга кириш жараёнларида зарурий агротехник тадбирларни амалга ошириш учун ҳамда ҳосилни йиғиб-териб олиш вақтида қишлоқ хўжалик техникаларининг етишмаслиги;

- мойли экин турларининг уруғлиги (чигит уруғидан ташқари) асосан хусусий шахслардан бозор нархларида харид қилиниши, шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, хусусий шахслардан харид қилинадиган уруғлик O'z DSt талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги;

- мойли хомашёни етиштириш ва уни сифатли қайта ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли саломатлигига хавфсиз бўлган ёғ маҳсулотлари билан таъминлаш жараёнида малакали, маъсулиятли ва чуқур билимга эга бўлган кадрлар етишмаслиги;

- қишлоқ хўжалигидаги хўжалик субъектлари (фермер хўжалиги, дехқон хўжалиги) ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари томонидан мойли экин турларини етиштиришга мўлжалланган ер майдонларида бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг (галла, полиз маҳсулотлари, аччиқ қалампир ва х.к.) экинлиши ва х.к.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этилиши учун, энг аввало қишлоқ хўжалик хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноат корхоналари ўртасида ўзаро кооперация муносабатларини ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш зарурияти келиб чиқмоқда. Шу билан, диссертацияда Қашқадарё вилоятида мойли экинларни етиштиришни кўпайтириш ва қайта ишлаш ҳажминини сифат жиҳатдан ошириш имкониятлари, захираларини тадқиқ этиш

¹¹ Қашқадарё вилояти "Косон ёг-экстракция" АЖ маълумотлари асосида тузилган.

мақсадда SWOT-таҳлил амалга оширилган ҳамда ушбу орқали мойли эквивалент парварнишловчи субъектлар ва қайта ишлаш корхоналари фаолиятини манфаатли интеграциялаш доирасида трансакция харажатларини камайтириш ва фойда миқдори ошишига қаратилган агросаноат кластерларининг рақобат устуқликлари кўрсатиб берилган.

Зеро, кластер минтақавий иқтисодий таркибида тубдан янги унсур бўлиб, у минтақанинг инновацион салоҳиятини ошириш, минтақада фаолият кўрсатувчи корхоналарининг ва иқтисодий тармоқларининг рақобатбардорлигини ошириш, пировадда эса бутун минтақани ривожлантириш, янги корхоналарни ташкил этишни рағбатлантириш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга замин яратди.

Хулоса этиб айтганда хомашё ҳамда ёғ ишлаб чиқарувчиларининг юқори даромад (фойда) олишларига йўл очувчи ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш, ҳуқуқий ҳамда иқтисодий жиҳатдан тартибга солувчи механизмларини жорий этиш зарур. Улар бизнингча қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

Биринчидан, ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш учун мойли эквивалент этиштирувчи хўжаликлар билан ёғ-мой саноати корхоналари ўртасидаги ўзаро давал шартномавий муносабатларни жорий мақсадга мувофиқ. Шунингдек, иккинчи томонламали шартномага хомашё ҳажми, сифати ва уни етказиб бериш вақти жавобгарлиги бўйича молжавий санкция қўллаш шартини киритиш;

– ўсимлик ёғи хомашёсига қайта ишловчи корхонанинг технологик талабларини етказиб бериш ва уларга тўлиқ риоя қилиш мониторингини олиб бориш;

– ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида иштирок этувчи томонларнинг иқтисодий-молжавий манфаатларини ўзида ифода этган кўп томонламали расмий ҳуқуқий тартибни (нормани) қабул қилиш ва уни амалга киритиш.

Тадқиқотлар кўрсатишича, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги билан ўсимлик ёғи хомашёсини қайта ишловчи саноат корхоналари ўртасида бозор иқтисодиёти талабларига мос шакллانган ўзаро иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари самарадорлиги нисбатан паст даражада сақланмоқда. Буни ўсимлик ёғлари истеъмол баҳоларининг доимий ўсиб бориш тенденциялари билан изоҳлаш мумкин. Шу билан, ўсимлик ёғининг чакана нархини барқарорлаштириш, хомашё этиштирувчилар билан ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчилар ҳамда ёғ маҳсулотларининг улгуржи ҳамда чакана савдоси билан банд корхоналар ўртасида хоржий таърибалар негизда ишлаб чиқариш кооперация тамойилларига асосланган кластер механизмига ўтиш самарали йўл ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобда ёғ-мой бўйича агрокластерларни кооперация асосида ташкил этишнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ёғ-мой маҳсулотларига бўлган истеъмол талаби ҳамда ушбу маҳсулотлар импорт ҳажмининг кўскартиришга қаратилган 2025 йилларгача бўлган ривожлантириш прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳудудда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита иштирок этувчи субъектларнинг агросаноат кластерига бирлашиши ҳам вертикал, ҳам горизонтал тарзда амалга оширилиши мумкин. Ёғ-мой кластери таркибий чегаралари ва қисмларини аниқлашда ўсимлик ёғи хомашёсини этиштириш ва қайта ишлашни ўрганиш, сўнг вертикал занжирини, кейин эса улар билан боғлиқ ташкилот ва корхоналар ҳамда истеъмолчиларни аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилоятида мазкур бирлик сифатида туман марказларида мавжуд йирик ёғ-экстракция заводлари негизда ҳамда мойли эквивалент доимий этиштирувчилар томонидан таъсис этилган ишлаб чиқариш-сотишнинг интеграцион бирлашмаси бўлиши мумкин. Масалан, мазкур ҳудудда иккита “Косон ёғ-экстракция” ва “Қарши ёғ-экстракция” АЖлар негизда ёғ-мой бўйича ишлаб чиқариш интеграцион бирлашма (агрокластер)ни ташкил этиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал.

Қашқадарё вилоятида тақлиф этилаётган ҳудудий ёғ-мой агрокластерининг таркиби¹²

